Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 20 май, шанба • № 40 (10.716) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

1995 ЙИЛДА БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИ ҲОСИЛИНИ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШ ВА ДАВЛАТГА ТОПШИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республиканинг дон мустақиллигини мустаҳкамлаш, бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишни жадал тугаллаш ва давлат ресурсларига дон топширишни кўпайтириш борасида хўжаликларни рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1995 йилда бошоқли экинлар донини прейскурант нархларда харид қилиш ҳажми 1420 минг тонна миқдорида белгилансин ва «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорациясига камида 680 минг тонна донни эркин нархларда қўшимча равишда сотиб олиш юзасидан контрактация шартномалари тузилишини таъминлаш юклатилсин.

Бошоқли экинлар дони учун прейскурант нархлар иловага мувофиқ белгилансин.

Хўжаликлар томонидан донни дон қабул қилиш пунктларига етказиб бериш бўйича транспорт харажатлари «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорацияси корхоналари ҳисобига қоплансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари билан келишилган бошоқли экинлар донини йиғиштириб олиш ва топшириш муддатлари бўйича таклифларига розилик берилсин.

3. Ўрим-йиғим ишларини жадаллаштириш ва ҳосил-китобларни ўз вақтида ўтказиш учун «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорацияси 1995 йилнинг май ойида қишлоқ хўжалиги корхоналарига харид қилинадиган жами дон миқдори қийматининг 40 фоизгачаси аванс тариқасида берилишини таъминласин, дон учун узил-кесил ҳосиб-китобларни унинг амалда харид қилинишига қараб ўтказсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси ва Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси берилган авансдан иш ҳақи тўлаш, ёнилғи-мойлаш материаллари, ўғитлар, ўсимликларни химоя қилишнинг кимёвий ва биологик воситалари, қишлоқ хўжалиги техникаси ва уларга эҳтиёт қисмлар, хизмат кўрсатувчи корхоналар билан ҳисоб-китоб қилиш учун фойдаланилиши устидан назоратни таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ҳусанов) Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси билан биргаликда дон ўрим-йиғимида банд бўлган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш бўйича тавсияномаларни бир ҳафта муддатда хўжаликларга етказсин. Дон ўрим-йиғимида моддий рағбатлантиришни кучайтириш учун хўжаликларга комбайнчилар ҳамда ўрим-йиғим ишларида банд бўлган бошқа ходимлар билан ҳар беш ва ўн кунда ҳисоб-китоб қилиш тавсия этилсин. Ўрим-йиғим мавсуми тугагач, бажарган ишига қараб комбайнчиларга икки тоннагача, юк автомашиналари ҳайдовчиларига ва ўрим-йиғимдаги кўл ишларида қатнашганларга бир тоннагача дон берган ҳолда маҳсулот билан иш ҳақи тўлаш қўллансин.

Марказий банк, «Ўзагросаноатбанк», «Ўзсаноатқурилишбанк» ўрим-йиғим мавсуми қатнашчилари билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш учун хўжаликларни нақд пул билан таъминласинлар.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ҳусанов), «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» (Жабборов), «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси (Носиров), «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорацияси:

Шу йилнинг 20 майигача дон ўриш-йиғиш комбайнларини, йиғиб олинган донни ташиш учун транспорт воситаларини, уруғлик донни тозалаш машиналарини, хирмонларни, юклаш воситаларини, ёнғинга қарши курашиш ва бошқа асбоб-анжомларни тайёрлаб қўйишни таъминласинлар. Зарур эҳтиёт қисмлар ва резинатехника буюмлари резервларини яратиш чора-тадбирларини кўрсинлар. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича комбайнларни дон ўрим-йиғимига чиқаришни амалга оширсинлар;

суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун бошоқли дон экинлари ҳосили ўрим-йиғими тугагач, бўшаган майдонларни тайёрлаш ҳамда дон ва силосбоп маккажўхори, картошка, сабзавот ва ўсиш даври қисқа бўлган бошқа экинларни вилоятлар бўйича такрорий экиш ишларини қисқа муддатларда ўтказсинлар;

бошоқли дон экинлари ҳосилини ўз вақтида ўриб-йиғиб олишда ва ерларни такрорий экин экишга тайёрлашда фермерларга ва аҳолига амалий ёрдам кўрсатсинлар.

6. «Ўзмашсаноат» уюшмаси (Собиров) ва «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси (Жабборов) дон ҳосилини йиғиштириб олиш даврида саноат корхоналарини хўжаликларга техника ёрдами кўрсатиш вазифаси билан туманларга бириктириб қўйсинлар.

7. «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорацияси (Маҳамаджонов):

1995 йилги дон ҳосилининг элеваторларда, дон қабул қилиш корхоналарида ва узоқ пунктларда, дон етиштириш жойларида узлуксиз қабул қилиб олинишини таъминласин;

донни давлат ресурсларига кўплаб топширтириш мақсадида жамоа хўжаликлари, кооперативларнинг уюшмалари, хўжаликларнинг бошқа турлари, шунингдек, деҳқон (фермер) хўжаликлари билан донни эркин нархларда харид қилиш учун шартномалар тузиш ишларини авж олдирсин.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ва «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорациясига, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмасига, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясига 1996 йил ҳосили учун бошоқли дон экинлари уруғлигини ғамлаб қўйишни таъминлаш тавсия қилинсин.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорацияси, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари зарурат бўлганда қайд этилган вилоятларнинг хўжаликларида 1996 йил ҳосили учун экиш мақсадида буғдойнинг серҳосил навлари уруғликларини республика ташқарисидан келтиришни таъминласинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари дон ҳосилини йиғиштириб олиш жойларида, уларни хирмонга ва дон қабул қилиш пунктларига, шунингдек, сақлаш жойларига ташиш чоғида қатъий қўриқланишини ва ҳисобга олинишини таъминласинлар, бунинг учун назорат постлари ташкил этсинлар.

11. «Ўзавтотранс» давлат корпорацияси (Аҳметов), «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси дон ҳосилини йиғиштириб олиш даврида Жиззах, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари хўжаликлари билан шартномалар асосида, автомашиналарнинг 2 сменада ишлашини ҳисобга олган ҳолда, юк автомобилларини ҳайдовчилар, хизмат кўрсатувчи ходимлар ва тузатиш воситалари билан биргаликда хўжаликларнинг буюртманомаларига мувофиқ миқдорда ва муддатларда юборсинлар.

12. «Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмаси дон ҳосилини йиғиштириб олиш ва ташиш учун ёнилғи-мойлаш материалларининг зарур заҳирасини яратсин, уларнинг хўжаликларга узлуксиз берилишини таъминласин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 15 май.

Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 15 майдаги қарорига илова

1995 йилги бошоқли экинлар дони учун харид нархлари

	бир тоннаси учун, сўм
буғдой	2000
жавдар	1730
арпа	1600

ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ БЕНАЗИР БХУТТО

1953 йил 21 июнда Карочи шаҳрида туғилган. Покистонда бошланғич маълумот олганидан кейин Редклифф коллежига, кейинчалик эса, Оксфорд шаҳридаги (Буюк Британия) Леди Маргарет Холл коллежига ўқишга кирган.

1977 йилда Оксфорд Университетининг халқаро ҳуқуқ ва дипломатия факультетини тугатган.

1977 — 1988 йилларда Покистон халқ партиясининг (ПХП) етакчиси бўлган.

1988 йил ноябрида ўтказилган парламент сайловида Покистон халқ партияси ғалаба қозониб, натижада Б. Бхутто бошчилигидаги ҳукумат тузилган.

1990 йил 6 августида Покистон Президенти Ғулом Исҳоқ Хон қарорига биноан Б. Бхутто ҳукумати тарқатиб юборилган.

1990 — 1993 йилларда Б. Бхутто Покистондаги мухолифат етакчиси бўлган.

Навоз Шариф ҳукумати истеъфога чиққанидан кейин, 1993 йил 19 октябрда Б. Бхутто Покистон Бош вазири сифатида иккинчи марта қасамёд қилган.

Б. Бхутто жаҳондаги бир қанча мамлакатларнинг олий мукофоти ва фахрли халқаро мукофотлар, шу жумладан инсон ҳуқуқлари бўйича Бруно Кристли номидаги (1988 йил) мукофот, Редклифф коллежи тақдирлаган Фи Бет Каппа фахрий мукофоти (1989 йил) соҳиби, шунингдек Марокаш, Франциянинг олий мукофотларига сазовор бўлган.

Б. Бхуттога 1994 йилда Синд университетининг (Покистон) ҳуқуқ фахрий доктори даражаси берилган, у Гарвард университетининг (АҚШ) фахрий доктори ҳамдир.

Б. Бхутто иккита — «Истиқболдаги ташки сиёсат» (1978 йил) ва «Тақдир қизи» (1988 йил) китобларининг муаллифи.

Б. Бхутто турмуш қурган, уч фарзанди бор.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўъбаси.



ФАОЛИЯТИМИЗ БОЗОР ТАЛАБЛАРИГА МОС БЎЛСИН

Илгари хабар қилинганидек, 16 май куни Тошкентда республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди. Унда вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирликлар, идоралар, давлат қўмиталари, уюшмалар, бирлашмалар, банклар ва йирик корхоналар раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисда республикамизда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш бўйича 1995 йилнинг биринчи чораги дастурининг бажарилиши ва биринчи ярим йилликни муваффақиятли якунлаш борасидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Мажлисда қайд этилдики, жорий йилнинг биринчи чорагида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришишга доир чора-тадбирлар аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилди. Шунинг натижаси ўлароқ, инфляция даражаси ижчил пасайиб борди. Пул эмиссияси 1994 йилнинг худди шу давридагига нисбатан 27 пунктга қисқарди.

Давлат бюджети дефицити белгиланган доирадан паст даражада тутиб турилибди. Республика иқтисодиётида ижобий таркибий силжишлар амалга оширилмоқда, ялпи ички маҳсулотда давлатга қарашли бўлмаган тармоқ улуши сезиларли ўсмоқда.

Йилнинг дастлабки уч ойида истеъмол бозорини тўлдириш, аҳолини сув ва газ билан таъминлаш бўйича муайян ишлар қилинди, ўртача иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни оширишга доир чора-тадбирлар кўрилди, аҳолининг эҳтиёжманд қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими мустаҳкамланди.

Шу билан бирга, айрим муайян йўналишларда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ва иқтисодиётнинг давлатга қарашли бўлмаган тармоқларини шакллантиришда жиддий камчилик ва нуқсонлар мавжуд.

Корхона ва ташкилотларда фойданинг ўсишига асосан сотилаётган маҳсулот нархини ошириш ҳисобига эришилмоқда. Зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони камаймаяпти. Жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида 695 корхона ва ташкилот 457,5 миллион сўмлик зарарга йўл қўйди.

Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида хусусийлаштириш жараёнида расмиятчилик давом этмоқда. Хусусийлаштиришдан кейин қўллаб-қувватлаш механизми ишлаб чиқилмаган, хусусийлаштирилган корхона ва фермаларнинг акционерлари учун эгалик қилиш шарт-шароитлари яратилмаяпти.

Мажлисда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Йилнинг биринчи чораги натижаларига баҳо берар эканмиз, ишлаб чиқаришда ривож ҳам, камчилик ва нуқсонлар ҳам борлигини кўрамиз, деди Президент. Шу билан бирга, янги пайдо бўлган масалалар ҳам бор. Буларнинг ҳаммаси табиий, албатта. Олдимизда тўсиқ-ғов бўлиб турган ана шу муаммоларни ечиш, иқтисодий, молиявий, тармоқлараро барқарорлик ва мувозанатга эришиш иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичи бошланган бугунги кундаги энг долзарб вазифадир. Шу маънода, бугунги муҳокаманинг асосий моҳияти — олдимизда турган стратегик мақсад ва устивор йўналишларга асосланиб, биринчи ярим йилликнинг энг муҳим вазифаларини тўғри белгилаш ва уларни ҳал этиш тамойил-йўлларини аниқлашдир.

Иқтисоднинг ривожланиб бораётганини, унинг йўналишларини баҳолаш, таҳлил қилиш учун унга қандай кўрсаткичлар, қандай усул ва услублар орқали баҳо беришимиз керак? Биз бозор иқтисодиёти томон кетаётган эканмиз, ўша баҳо берадиган восита — кўрсаткичлар ҳам бозор шароитига мос бўлиши керак, яъни эски услуб ва мезонлар билан бугунги ривожланиш даражасини баҳолаш мутлақо мумкин эмас. Бу борадаги олдинги қон-қонимизга сингиб кетган усул ва услубларни эслайлик. Улар ҳаммангизга яхши маълум. Асосий, мақтовга муносиб кўрсаткич — бу ишлаб чиқариш ўсиш суръатлари бўлиб, унга қандай йўл билан эришилади, қандай маҳсулот, унинг сифати, истеъмолчиларга керакми, йўқми — бундан қатъи назар, ишлаб чиқаришда ўсиш суръатларини таъминлаб бердингизми, бўлди — олам гулистон эди. Саноат, қурилиш, савдо, хизмат кўрсатиш — хуллас, барча соҳаларда шундай ёндошиш одат эди.

Бугун бундай ёндашув ва услублар тўғри келмайди. Шу ўринда бир мисол келтирайлик. «Ўздонмаҳсулот» давлат-акционерлик корпорацияси саноат ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилга нисбатан 52,5 фоиз камайтириб юборганлигини олиб кўрайлик. Буни қандай натижа деб тушуниш керак — салбийми ёки ижобийми?

Эскича йўл тутиладиган бўлса, биз корпорация раҳбарларини жавобгарликка чақиришимиз керак бўлур эди. Бугунги кун нуқтаи назаридан қаралганда эса, бу ҳол аҳолининг истеъмол таркибини такомиллаштиришдан, бевосита нонни тежашдан, унинг бошқа мақсадларда фойдаланилиши кескин қисқартирилишидан далолат беради. Масалан, бизда 1991 йили жон бошига 170 килограмм нон истеъмол қилинган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 118 килограммга тушди. Бу халқимиз дастурхонида нондан ташқари гўшт, сут, тухум каби озиқ-овқат маҳсулотлари тури ва миқдори кўпайиши натижасидир.

Бундан ташқари, ҳозирдаёқ ўзининг паст сифатлари ва нархининг юқорилиги туфайли харидоргир бўлмаган, бозори касодга учраётган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада кўпайтираверишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида чуқур ўйлаб кўриш керак.

Мисол учун кранларни олиб кўрайлик. Тўрт ой ичида уларни ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан 20 фоизни ташкил қилибди, ёки пардозловчи керамик кошинлар 46,8 процент, линолеум 34,5 процент, пойабзал 26,1 процент, электр дазмоллар 21,6 ва бошқа жуда кўп ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол моллари шулар жумласидандир. Хўш, бу яхшими, ёмонми? Бундай камайиш ҳисобига талабга мос маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, буни ижобий ўзгариш деб билиш керак.

Ҳозир чет элдан келтирилган юқори сифатли ва бир мунча арзонроқ ғоят хилма-хил халқ истеъмол моллари савдода пайдо бўлиб қолди. Маҳсулот ишлаб чиқарувчиларимизнинг кўпчилиги, ҳатто ички бозорда ҳам рақобатга ноқобил бўлиб қолганликлари тасодифий эмас.

«Ўзбекенгилсаноат» уюшмасида 1 апрелга қадар маҳсулотнинг меъёридан ортиқча заҳиралари 683 миллион сўмликни ташкил қилди ёки 1-чоракда ишлаб чиқарилган жами саноат маҳсулотининг 14 фоизидан ошиб кетди, «Маҳаллий саноат» корпорацияси бўйича 327 миллион сўмлик бўлди ва уч ойнинг ўзидагина 105 миллион сўмлик ошди.

Ушбу тармоқларнинг кўп корхоналари хусусийлаштирилиб бўлинган. Шу сабабли энди миқдорий ҳажм кўрсаткичлари эмас, балки улар аҳволининг молиявий натижалари ва корхоналар фаолиятининг мезони бўлиб қолмоғи лозим.

Иқтисодий ислоҳотларнинг боришига, айниқса, мулкни хусусийлаштириш ва иқтисодиётнинг нодавлат тармоқларини ривожлантиришга баҳо беришда ҳам мутлақо бошқача мезонлар қўлланилиши керак. Биз режа — план тушунчасидан аллақачон халос бўлганмиз. Эндиликда ҳукумат ҳеч кимга ҳеч қачон топшириқларини ёки шунга ўхшаш миқдорий чегараларни белгилаб қўйётгани йўқ.

Шу билан бирга биз амалда одамни ҳайратга соладиган ҳолга дуч келяпмиз — фалонча объектни хусусийлаштириш, фалонча кичик ва хусусий корхонани барпо этиш режалаштирилган, амалда эса кўп карра ортиғи билан бажарилган эмиш.

Нодавлат тармоғининг қарор топиши, иқтисодиётнинг кўп тармоқлилиги мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги қанча корхона ва объект расман мавжудлиги билан эмас, балки улар қанчалик муваффақиятли ишлаши, иқтисодиётни ривожлантиришга қандай ҳисса қўшиши, давлат корхоналарига нисбатан самарадорлиги қандайлиги, ана шу корхоналар мулк эгасининг ўзига ва уларда ишлаётган ходимларга ҳақиқатда нима бериши билан белгиланади.

Биз бугун жуда катта харажатлар қилиб маҳсулот ишлаб чиқаряпмиз. У керакми, керак бўлса қанча миқдорда керак, унинг сифати қандай бўлиши даркор, харидори борми, йўқми — ана шу талабларни ўрганмай туриб маҳсулот ишлаб чиқаришимиз кўр-кўрона иш тутиш билан баробардир.

Бугунги фаолиятимизга, ишимизга шу нуқтаи назардан баҳо берадиган бўлсак, бундай талабларга жавоб бермайдиган ҳолни кўриш мумкин. Ҳолбуки, корхоналар, концернлар, ассоциациялар, тармоқлар, қўлаверса, бутун регионларнинг истиқболли ривожланиши маркетинг — талабни ўрганишга боғлиқ. Лекин, очиғини айтганда, республикада бу борада етарли даражада иш олиб борилмаяпти.

Табиий савол туғилади: бугун республиканинг қайси ассоциацияси, концерни, бирлашмаси келажакни олдиндан кўра билиб, талабни, харид имкониятларини чуқур ўрганиб маҳсулот ишлаб чиқаряпти? Афсуски, бу саволга ижобий жавоб йўқ.

Ўзбекистонни иқтисодий ривожлантириш стратегияси ҳақида гап борганда, бу стратегия биринчи навбатда давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқнинг турмуш шароитини яхшилаш манфаатларидан келиб чиқиши керак, дея таъкидлади Ислом Каримов. Шу жиҳатдан, иқтисодий стратегик мақсадларга эришишнинг асоси, аввало, тармоқ ва регионларнинг муҳим ишлаб чиқаришлар бўйича ривожланиши билан боғлиқдир.

Шуни алоҳида қайд этишни истардимки, йилнинг биринчи чораги якунлари замирида ғоят чуқур мазмун бор. Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида таъкидланганидек, демократик қайта ўзгартиришлар ва иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичи тугалланди ва биз ўз тараққиётимизнинг, янгиланиш ва ривожланиш йўлидаги ҳаракатимизнинг сифат жиҳатидан янги босқичига дадил қадам қўйдик. Бошқача айтганда, моҳияти жиҳатидан янги марраларни белгилаб олдик.

Олдимизга республикамиз учун, Ўзбекистон халқи учун янада мураккаброқ ва истиқболимизни ҳал қилувчи мақсад ва вазифаларни қўйдик. Уларни муваффақиятли ҳал этиш Ўзбекистоннинг чинакам сиёсий ва иқтисодий мустақиллигига эришишга, республикани XXI аср бошидаёқ иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар қаторига чиқаришга қаратилгандир.

Бунинг учун бизда барча зарур шарт-шароитлар мавжуд. Ўтган йилларда яхши замин яратилди. Эндиликда биз олға томон дадил одимлашимиз зарур. Мулкчиликка нисбатан муносабатни ўзгартириш, янги бозор муносабатларини шакллантириш борасидаги, шунингдек, иқтисодий салоҳиятни мустаҳкамлаш, иқтисодиётни барқарор ва изчил ривожлантириш борасидаги кечиктириб бўлмайдиган муаммоларни ҳал этишга астойдил киришишимиз керак.

Ташаббускорлик ва тадбиркорликни кўпроқ намоён қилиш зарур. Масъулиятдан қўрқмаслик керак. Бошқарувнинг барча босқичларида зарур қарорларни мустақил равишда, тезкорлик билан қабул қилиш лозим. Кўпроқ иқтисодий эркинлик, кўпроқ мустақиллик, кўпроқ тадбиркорлик — мана шулар барча ишларимизнинг асоси бўлиши зарур.

Лекин бу борадаги биринчи ва асосий камчилик иқтисодий ислоҳотларнинг етарли даражада амалга оширилмаётгани, энг муҳими, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусий мулкчиликка, тадбиркорликка кенг йўл очиб беришда сусткашлик, лоқайдлик, оқсоқликка йўл қўйилаётгани аён бўлади.

Барча бўғиндаги раҳбарлар, айниқса, корхона раҳбарлари, бу масалага жиддий қарашлари лозим. Бу соҳадаги ечилмаган муаммоларнинг асосий қисми ҳокимликлар, тижорат банклари ва бир неча вазирликлар ва уларнинг ўрта бўғинларида чиғаллашмоқда.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнининг Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида айтилган муҳим жиҳатга яна бир бор эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Хусусийлаштириш, мулкдорлар сонини иложи борича кўпайтириш — мамлакатимизнинг, давлатимизнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, ҳар бир фуқаро даромадини, ҳаёт даражасини ошириш билан боғлиқ жуда муҳим омилдир. Қолаверса, мулк ҳақиқий эгасини топсагина, турли талон-тарожларга, пулини олмай туриб маҳсулот жўнатиш каби салбий ҳолларга чек қўйилади.

Қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш ҳам етарли даражада эмас. Молия вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси — бу иш мутасаддилари ўз фаолиятларини жадаллаштиришлари лозим.

Ўзингиз ўйланг, республикада ташкил этилган 3 мингдан зиёд акционерлик жамиятидан фақат 15 фоизи акция чиқарган бўлса, йилнинг биринчи чорагида Қорақалпоғистон Республикасида акционерлик жамиятининг бирорта ҳам акцияси сотилмаган бўлса, Хоразм, Жиззах, Навоий, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида атиги битта-иккита акционерлик жамиятининг акцияси сотилган бўлса, унда, қандай қимматли қоғозлар бозори тўғрисида сўз юритиш мумкин?!

Аҳолининг ерга бўлган доимий қизиқишига қарамай, ҳокимликлар ер бозорини ривожлантиришга етарли эътибор бермаяпти. Бу умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан сотиладиган ер майдонларига ҳам, ер майдонлари билан биргаликда сотиладиган савдо ҳамда хизмат кўрсатиш объектларига ҳам тегишлидир.

Масалан, жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакат бўйича ҳаммаси бўлиб 684 ер майдони, шу жумладан, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари жойлашган 152 ер майдони сотилган. Хоразм, Самарқанд, Тошкент вилоятларида ва Тошкент шаҳрида бундай майдонлар ҳаммаси бўлиб битта ёки иккитани, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида эса атиги биттани ташкил этади.

«Ўзулгиржисавдо» деган ташкилотимиз бор. У ўзининг биринчи галдаги вазифаси — тадбиркорлар ўз маҳсулотларини сотишлари, зарур материалларни харид қилишлари мумкин бўлган ярмаркаларни ташкил этишга ва ўтказишга етарли эътибор бермаяпти.

Шу йилнинг биринчи чорагида Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида бирорта ҳам ярмарка ўтказилгани йўқ. Буни қандай баҳолаш керак?

Жойларда майда улгуржи савдо дўконлари расмият учунгина ташкил қилинганини, улар товар, маҳсулот ишлаб чиқарувчилардан анча узоқда жойлашганини, тегишли техника, асбоб-ускуналар билан жиҳозланмаганини кўриш мумкин.

Бугун иқтисод, ишлаб чиқаришга энг катта тўсиқ бўлиб турган яна бир масала ишлаб чиқарувчи ва истеъмол қилувчи корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг вақтида амалга ошмаётганидир, деди Президент. Шундай раҳбарлар борки, ўз истеъмолчиларининг молиявий аҳволини суриштирмай, уларга ишлаб чиқарилган маҳсулотларини етказиб туришибди. Ваҳоланки, мижозларининг «чўнтагида» бир тийин ҳам йўқ. Оқибатда бундай корхона раҳбарлари истеъмолчиларидан тегишли пулни ундира олмай, меҳнат ҳақини тўлашимиз керак, деб ҳукуматга пул сўраб мурожаат қилади.

Шунинг учун ҳам «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» Президент Фармони чиқди. Унда истеъмолчиларнинг молиявий аҳволини инобатга олмай, пухта ҳисоб-китоб қилмай туриб, уларга маҳсулот етказишни давом эттираётган корхона раҳбарларига нисбатан қаттиқ жавобгарлик чораларини қўллаш кўзда тутилган. Бу борада республика Прокуратураси, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк, тижорат банклари ҳамда корхона раҳбарлари тегишли хулосаларни чиқаришлари керак.

Шу билан бирга, баъзи бир тижорат банкларидаги қўли эгри кимсалар ўз ҳамёнларини ўйлаб, корхоналарнинг маблағларини бошқа мақсадларга ишлатиб юрибди. Оқибатда бу корхоналар «айбсиз айбдор» бўлиб қолмоқда. Бундай ҳолатлар билан ҳам шафқатсиз курашмоғимиз лозим. Марказий банк бу масалага юзаки қараб келяпти. Бу масалада назоратни кучайтириш зарур. Керак бўлса, бундай тижорат банкларини ва уларнинг бўлимларини ёпиш, раҳбарларни эса жавобгарликка тортиш лозим.

Яна бир муҳим масала шундан иборатки, нақд пул ва кредитлар қўшимча эмиссиясига кескин чек қўйиш керак. Ҳозир Марказий банк бу масалада қатъий йўл тутмоқда. Биз буни қўллаб-қувватлаймиз.

Ҳар бир вилоят, шаҳар ва туман раҳбарлари ўз ишларини шундай ташкил қилишлари керакки, токи нақд пул ҳисобида берилаётган иш ҳақи, нафақа ва бошқа даромадлар аҳолининг харид қилиш қувватини ошириш, хилма-хил хизмат кўрсатиш ташкилотларини кўпайтириш орқали банкларга қайтиб келиши лозим. Бунинг учун эса вилоят, шаҳар ва туманларда катта ишларни амалга ошириш керак. Аввало, аҳоли олаётган даромадларнинг ички бозор товар ресурслари билан мувозанатини таъминлаш, қўшимча мол-мулк келишига кенг йўл очиш керак. Хуллас, юқоридан қўшимча пул ёки товар беришади, деган кайфиятдан воз кечиш лозим.

Пул қадрсизланмаслиги учун бир қоида доимо эсимизда бўлиши керак. Яъни ҳар қандай маош, нафақа кўпайишидан олдин, бозоримиздаги мол ҳам шу даражада, балким ундан ҳам тезроқ кўпайиши шарт. Бу қоидага ҳаммамиз риоя қилишимиз зарур. Бу — умумиқтисодиёт қонуни. Мутахассислар ҳисоб-китобига қараганда, агар қўшимча маҳсулот бозорига етказилмасдан нақд пул миқдори 1 фоизга кўпайса — нархлар миқдори 1,2 — 1,4 фоизгача ошиб кетади.

Агар бу йўлни танласак, Ўзбекистонда нафақат инфляцияга, яъни нарх ошишига, балки, гиперинфляцияга, бошқача тил билан айтганда, оқибатда ҳеч қандай жиловланмайдиган офатга, нарх ошиб кетишига олиб келади. Бу эса, гирдобга ўхшаган даҳшатли нарса — тушгандан кейин чиқиб кетишнинг иложи йўқ, десак ҳам бўлади. Унинг оқибати, яна такрорлайман, табиий офатга тенгдир.

Ички бозоримизни маҳсулотлар билан тўлдириш ва экспорт имкониятларимизни кўпайтириш — устивор йўналишлардан биридир. Лекин, кимки фан-техника ютуқларини қўлламай, ортиқча харажатларни камайтирмай, фақат маҳсулотлари нархини ошириш йўли билан яхши натижага эришаман деса — жуда катта хато қилган бўлади.

Ҳозирнинг ўзидаёқ айрим саноат маҳсулотларининг нархи дунё бозори нархидан ошиб кетди. Шу сабабли, бу маҳсулотлар на ички бозорда, на ташқи бозорда сотилмай қолиб кетяпти. Демак, бозор муносабати қонун-

(Давоми 2-бетда).

Тошкент туманининг Ғиштқўприк қишлоғидаги икки қардош мамлакатни туташтириб турувчи бу дарвоза Ўзбекистон ва Қозоғистон халқларининг бағри кенглиги, бир-бирига бўлган дўст, қадрдонлиги, меҳмоннавозлиги рамзидир. Истиқлолга юз тутган ҳар икки юрт отахонлари бундай кунларни кўрганларидан беҳад хурсандлар.

«ЎЗБЕКИСТОН» ҚОЗОҒИСТОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

18 май куни эрталаб пойтахтнинг марказий темир йўл вокзалидан Тошкент-Алмати йўналиши бўйича «Ўзбекистон» деб аталган махсус поезд жўнаб кетди. Фан ва маданият намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, санъаткорлардан иборат қарийб 500 кишилик делегация 20 май куни Қозоғистонда бошланадиган Ўзбекистон Республикаси кунларида иштирок этиш учун сафарга отланди.

(ЎзА).

* * *

Бугун Тошкент вилояти вакиллари ҳам Қозоғистонда ўтадиган Ўзбекистон кунлари муносабати билан Жанубий Қозоғистон вилоятига йўл олдилар.

(Қозоғистонда ўтадиган Ўзбекистон кунларига бағишланган мақолаларни газетанинг 2-3 саҳифаларида ўқийсиз).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ХАЛҚАРО ИСЛОМ ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ислом таълимоти ва фалсафасини кенг ўрганиш, ўзбек халқининг диний, тарихий ва маданий меросини чуқур илмий тадқиқ этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасининг Тошкент шаҳрида Халқаро ислом тадқиқот марказини ташкил этиш ва унинг мақомини Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасаларига тенглаштириш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин. Марказнинг низоми, тузилмаси ҳамда марказ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари ва тариф коэффициентлари, ходимларнинг сони ва уларга тўланадиган маблағ ҳисоб-китоби тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Тошкент Халқаро ислом тадқиқот маркази фаолиятини таъминлаш учун Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси ҳамда республика бюджети ҳисобидан тенг улушларда маблағ ажратилишини инобатга олиб, 1995 йилнинг июль ойидан бошлаб ҳар йили бюджетни шакллантиришда тегишли маблағ ажратишни назарда тутсин;

Халқаро ислом тадқиқот марказига хизмат кўрсатиш учун 1 та енгил автомашинага лимит ажратсин.

3. «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси ажратилган лимитга м

ШУНДОҚ АЖИБ ЮРТСАН, ЖОН ҚОЗОҒИСТОН, ҚАРДОШИМ, ҚУРДОШИМ, БОВУРИМ АЗАЛ!

ҲАМКОРЛИГИМИЗНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАЙДИ

МАЪЛУМКИ, шу йилнинг 20-25 май кунлари Қозоғистонда Ўзбекистон Республикаси кунлари ўтади. Бу тадбирда республика вакиллари қатори Тошкент вилояти делегацияси ҳам иштирок этади. Биз ташриф арафасида Жанубий Қозоғистон вилоятида Тошкент вилояти кунларини ўтказиш бўйича тайёргарлик ишчи гуруҳининг раҳбари, вилоят ҳокимининг муовини Д. Н. Жаҳонгирова билан суҳбатлашдик.

— Дилбар Набиевна, мана бугун Қозоғистонда Ўзбекистон Республикаси кунлари бошланади. Ана шу катта тадбир доирасида Тошкент вилояти вакиллари ҳам Қозоғистон Республикасининг қўшни Жанубий Қозоғистон вилоятига ташриф буюрадилар. Бунинг ўзига хос жиҳати, мазмун ва моҳияти бор, албатта. Қолаверса, Сиз бошчилигингиздаги ушбу тадбирни ўтказувчи ишчи гуруҳи ташрифга катта тайёргарлик кўрди. Ана шулар ҳақида қисқача тўхталсангиз.

— Дарҳақиқат, тўғри таъкидладингиз. Бугун Қозоғистонда бошланадиган Ўзбекистон Республикаси кунлари икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашда, ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, Тошкент вилояти вакилларининг ҳам қўшни Жанубий Қозоғистон вилоятига бориши бежиз эмас. Чунки бу икки вилоят бир неча йиллардан буён ўзаро ҳамкорлик қилиб келади. 1994 йилнинг айни мана шу май кунларида Ўзбекистонда ўтган Қозоғистон Республикаси кунлари тадбирларида Жанубий Қозоғистон вилояти вакиллари ҳам иштирок этиб, Тошкент вилоятида бўлган эдилар. Улар вилоятимиздаги бир қатор шаҳар ва туманларда бўлиб, амалга оширилаётган ишлар, янгиликлар, ислоҳотларнинг бориши, халқимизнинг ҳаёти, маданият ва санъатдаги янгиликлар билан танишиб, айни вақтда Жанубий Қозоғистон вилоятида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳикоя қилиб берган эдилар. Бу вилоятнинг ижод аҳли ва санъаткорлари ўзларининг ажойиб чиқишлари билан халқимизни хушнуд этган эдилар. Мана, энди орадан бир йил ўтгач вилоятимиз делегацияси ва 45 кишилик ижодий жамоаси Ўзбекистон Республикаси делегацияси таркибида Жанубий Қозоғистон вилоятига ташриф буюрмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, вилоятимиз делегациясининг бу ташрифини икки вилоят ўртасида йўлга қўйилган шартномаларнинг бажарилиши борасида амалга оширилаётган яна бир тадбир деб айтиш мумкин. Чунки 1994 йилнинг январь ойида икки вилоят ҳокимлиги ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида имзоланган шартнома ўзаро бордикелдимизни, иқтисодий, ижтимоий, маданий алоқаларимизни кенгайтириб боришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Буни икки давлат раҳбарлари имзолаган республикаларо алоқаларнинг бир бўлаги дейиш ҳам мумкин.

Лўнда қилиб айтганда бу ташрифга вилоятимиз вакиллари катта тайёргарлик билан бормоқдалар. Мақсад — Жанубий Қозоғистон вилояти меҳнаткашларига Тошкент вилоятида амалга оширилаётган ишларни кенгроқ етказиш. Айни вақтда қўшни вилоят меҳнаткашлари ҳаётини чуқурроқ ўрганиш, янги дўстлик алоқаларини ривожлантиришдан иборатдир.

— Сиз Тошкент ва Жанубий Қозоғистон вилоятлари ўртасидаги иқтисодий-маданий ҳамкорлик тўғрисида имзоланган шартнома ва ўзаро алоқалар ҳақида гапириб ўтдингиз. Лекин ҳар қандай шартнома, ҳамкорлик ижроси билан катта самара беради. Мумкин бўлса, шу ҳақда кенгроқ тўхталсангиз.

— Албатта, давлатлараро ҳамкорлик тўғрисида имзоланган шартнома иккала республиканинг маънавий, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим қадам бўлди. Буни биргина Тошкент ва Жанубий Қозоғистон вилоятлари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Бу алоқалар беистисно ҳамма ишлаб чиқариш, саноат, қурилиш, маданият, халқ таълими, физкультура ва спорт, соғлиқни сақлаш, савдо ва бошқа барча соҳаларда кенгайиб бормоқда. Энг муҳими бу ҳамкорлик икки томонга ҳам катта манфаат келтирмоқда. Масалан, Наврўз умумхалқ байрами, санъат, дўстлик, тил байрамлари, халқ ижодий фестиваллари ташкил этилди, бу тадбирларда ҳар икки вилоят вакиллари, ижодий жамоалари фаол қатнашдилар. Вилоятимизнинг қозоқ миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилаётган жойларида қозоқ халқининг «Айтис», «Аул» ва бошқа миллий анъаналарининг ўтказилиши ҳар икки миллат вакиллари ўртасидаги дўстлик, биродарлик, қон-қардошлик ришталарини янада мустаҳкамлади.

Бундан ташқари маданият, физкультура ва спорт соҳаларида ҳам жуда кўп эътиборга лойиқ тадбирлар ташкил этилди. Бизнинг санъаткорларимиз Жанубий Қозоғистон вилоятининг шаҳар ва туманларига бордилар. Айни вақтда қозоқ вакиллари бизнинг вилоятимизга ташриф буюришди. Биргаликда турли спорт мусобақалари ўтказилди.

Мен халқ таълими соҳасидаги алоқаларимиз тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтишни лозим деб ўйлайман. Мана, икки йилдирки, Тошкент вилояти олий ва ўрта таълим ўқув юртларида Жанубий Қозоғистон вилоятининг юздан ортиқ ўзбек миллатига мансуб ўқувчилари таълим олишмоқда. Айни вақтда бизнинг вилоятимиздаги қозоқ миллатига мансуб йигит ва қизларимиз Жанубий Қозоғистон вилояти ҳудудидаги ўқув юртларида ўқишмоқда. Педагог ходимларимиз ўзаро тажриба алмашмоқдалар. Малака ошириш институтларида билимларини мустаҳкамламоқдалар. Ҳар йили Тошкент ва Жанубий Қозоғистон вилоятлари кутубхоналари жамғармасидан 500 нусхадан ортиқ бадиий адабиётлар ва кўплаб ўқув дарсликлари алмаштирилмоқда.

Савдо, иқтисодий алоқалар ҳам кенгайиб бораяпти. Чимкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Тошкент» савдо уйи орқали 1994 йилнинг ўзида 1 миллион сўмликдан ортиқ вилоятимизда тайёрланган истеъмол моллари ва бошқа товарлар қўшни вилоят аҳолисига сотилди. Айни вақтда Жанубий Қозоғистон вилоятидан ҳам 800-900 минг сўмлик товарлар келтирилди. Бундай савдо ва иқтисодий алоқаларни келгусида янада кенгайтириш режалари тузилди.

Бундай мисолларни қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа соҳалардан ҳам кўплаб келтириш мумкин. Бундан ташқари вилоятимиздаги туман ва шаҳарлар, корхоналар, хўжаликлар, ташкилотлар Жанубий Қозоғистон вилоятидаги хўжаликлар, корхоналар, ташкилотлар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиб, ҳамкорликни кенгайтириб бормоқдалар.

Юқорида айтганимдек ўзаро манфаатли асосда ташкил этилаётган бундай қардошлик алоқалари нафақат иқтисодий, балки дўстлик ва биродарликни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилаётир.

— Ушбу ташриф дастуридан ўрин олган тадбирлар, режалар тўғрисида ҳам тўхталсангиз.

— Ташриф дастуримиз жуда кенг ва ранг-баранг. Биз уни тузишда вакилларимизнинг ижоли борича кўпроқ жойда бўлишларини таъминлашга ҳаракат қилдик. Чунки халқимизда меҳр кўзда, деган гап бор. Биз қанчалик бир-биримизни чуқур билсак, юзма-юз учрашсак, яқиндан танишсак алоқаларимиз, бордикелдимиз шунчалик илдиз отиб мустаҳкамланаверади.

Жанубий Қозоғистон вилояти маъмурияти билан биргаликда ишлаб чиқилган бу дастур бўйича жуда катта тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. 20 май куни кеч соат 17.00 да Чимкент шаҳрида Жанубий Қозоғистон вилоятида Ўзбекистон Республикаси кунларининг расмий очилиш маросими бўлади. Шу ерда икки вилоят ижодий жамоалари иштирокида катта концерт дастури намойиш этилади.

Шундан кейин Тошкент вилояти вакиллари Туркистон туманига ташриф буюрадилар. У ерда улуғ бобокалонимиз Ҳожа Аҳмад Яссавий мақбарасини зиёрат қиладилар. Яссавий номидаги халқаро университетнинг профессор, ўқитувчилари, талабалари ва шаҳар жамоатчилиги билан ўтказилиши режалаштирилган учрашув ҳам катта аҳамиятга эга бўлади, деб ўйлайман. Бундан ташқари, Тошкент вилояти вакиллари Ўрдабош, Сайрам, Тўлаби, Қозиғурт, Сариоғоч туманлари ва Ленгир шаҳрида бўлиб, жуда кўп меҳнат жамоалари билан учрашадилар, хўжаликлар, ташкилотлар, корхоналарга ташриф буюрадилар. Санъаткорларимиз ўз санъатларини намойиш қиладилар.

Булардан ташқари вилоятимизнинг ишлаб чиқариш соҳалари вакиллари ўзаро тажриба алмашадилар. Хуллас, юқорида айтганимдек, бу дастурда жуда кенг жабҳадаги тадбирлар мажмуи қамраб олинган.

Мен сўзимни якунлар эканман, бир нарсани алоҳида таъкидламоқчиман. Ўйлайманки, Қозоғистонда ўтаётган Ўзбекистон кунлари икки халқ ўртасидаги қардошлик ришталарини мустаҳкамлашга, икки давлат орасидаги алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилади. Туркий халқларнинг буюк бобокалонлари Амир Темур, Алишер Навоий, Форобий, Ҳожа Аҳмад Яссавий руҳлари бугун бизни янада ҳамкор, қондош, жондош, елкадош бўлиб ҳаракат қилишга ундамоқда. Аминманки, Қозоғистонда ўтказилаётган Ўзбекистон Республикаси кунлари тарихимиздан муносиб ўрин олади.

Суҳбатни Ф. МУҲИДДИНОВ ёзиб олди.

Агар қозоқ ва ўзбек миллати бир бўлар экан, тарихимиз, тақдиримиз ва келажагимизни ўйлаб ҳамкор-ҳамдам бўлиб яшар экан, бу бирликни, бу дўстлик қўрғонини енга оладиган куч дунёда бўлмайди.

Бир ҳақиқатни ҳеч ким унутмаслиги керак: Ўзбекистон тақдири, бу — Қозоғистоннинг тақдири, қозоқ халқининг келажаги — ўзбек халқининг ҳам келажагидир.

Ислом КАРИМОВ.

Қўлда сози, дилда нози, ўланчи қиз ёр-ёр.

Чирчиқ-Чимкент — биродарлашган шаҳарлар

ИҚТИСОДИЙ. АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Чирчиқ шаҳрининг олтмиш йиллиги нишонланган тантаналарда Жанубий Қозоғистон вилояти маркази Чимкент шаҳри вакиллари ҳам қатнашдилар. Улар чирчиқликларни қутлуғ айём билан қизғин мубораклаб қилдилар ва икки шаҳар ҳамкорлиги рамзи сифатида гилам тақдим этдилар. Бу биродарлашган Чимкент ва Чирчиқ шаҳарларининг ўзаро ҳамкорлиги мустаҳкамлигидан далолат берувчи яна бир далил бўлди.

— Албатта бу каттаю кичик барча чирчиқликларнинг қалбига қувонч бахш этди, — дейди Чирчиқ шаҳар ҳокими Дониёр Азизхўжаев. — У икки ўртада ҳар соҳада, шу жумладан иқтисодиётда тарқиб топган ўзаро алоқаларнинг янада яхшиланишига, кенгайишига олиб келади, шубҳасиз. Республикаларимиз мустақил давлатлар бўлиб қолганидан кейин ҳам ўзаро ҳамкорлик сақлаб қолинганлигини мамнуният билан қайд қилиш лозим. Икки томоннинг саъй-ҳаракатлари билан ўзаро маҳсулот айирбошлаш, шу асосда иқтисодий алоқалар ришталарини мустаҳкамлашда муайян натижаларга эришилмоқда.

Ҳа, биродарлашган шаҳарлар бир-бирларига зарур бўлган маҳсулотларни ўзаро алмашишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу билан у ёки бу маҳсулотга бўлган эҳтиёжни қисман бўлса ҳам қондиришга кўмаклашишмоқда.

Чирчиқликлар қардошлар учун зарур бўлган турли саноат маҳсулотларини етказиб бермоқдалар. Маълумки, Жанубий Қозоғистон вилояти қишлоқ хўжалиги кенг тармоқлидир. Бу ерда пахтачилик, ғаллачилик, деҳқончиликнинг етакчи тармоқлари ҳисобланади. Улардан кўзланган ҳосилни олиш учун кўплаб маъданли ўғитлар ҳам керак бўлади. Бундай ер ҳамиртуришига бўлган эҳтиёжнинг бир қисмини чирчиқлик кимёгарлар

БУЮК ШАРҚ ҚЎЙНИДА БАХТИ НУРАФШОН, ЎЗБЕК ДИЁРИДАН САЛОМИМ БУ ГАЛ!

БОЙЛИКДАН ҲАМ АФЗАЛ

Халқимизда «Бешовлон тугал бўлса, унмаганни ундирар», деган мақол бор. Марказий Осиёда тили, дили, халқининг урф-одати бир-бирига яқин бўлган беш республика ўзаро ҳамкорликда иш олиб борса, бизлардан бой ва тараққий этган мамлакат бўлмайди. Зеро, республикамиз Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида «Туркистон — умумий уйимиз» деб жуда тўғри баҳо бердилар. Бу уйни гуллаб-яшнатиш, рўзғорини бут қилиш эса ўзимизга, томири бир бўлган халқимизнинг ўзаро тотувлик ва ҳамкорликда иш олиб боришига боғлиқ.

Вилоятимизда 370 мингдан кўпроқ қозоқ миллатига мансуб халқ яшайди. Уларнинг аксарият қисми Бўстонлиқ, Қибрай, Чирчиқ, Ўртачирчиқ, Чиноз ва бошқа туманларда истиқомат қиладилар. Юқоричирчиқ туманидаги «Ийкота», Чиноздаги «Эшонобод», Қуйичирчиқ туманидаги «Сирғали», Абай номли, Янгийўл туманидаги «Янги ҳаёт» жамоа хўжаликларида меҳнат қилаётган аҳолининг кўпчилик қисмини қозоқлар ташкил этади. Улар фақат чорвачилик соҳасидагина эмас, деҳқончилик ва боғдорчиликда ҳам азал-азалдан миришкор сифатида донг таратган ўзбеклардан асло қолишмайдилар. Халқларимизнинг бир-бирига дўстлиги, биродарлиги уларнинг қон-қонига сингиб кетган. Зеро, қозоқнинг «Дўст — дўстнинг ойнаси» деган гапи ана шундан келиб чиққан бўлса ажабмас.

Ўзбекистонда яшайдиган қозоқларнинг миллий-маданият маркази уларнинг бошини бириктириш, қозоқ тилини сақлаб қолиш, халқимизнинг тарихи, урф-одати, маданияти ва санъатини ривожлантириш борасидагина эмас, ўзининг кенг кўламли фаолияти билан Ўзбекистоннинг тараққиётига, унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга, обрў-эътиборини оширишга, иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга оширишга муносиб ҳисса қўшаяпти. Мақсадимиз — халқларимиз ўртасидаги дўстликни, биродарликни, тинчликни янада мустаҳкамлашдан иборатдир.

Куни-кеча Тошкент вилояти туманларидаги қозоқ миллий-маданият марказлари фаолиятларини сарҳисоб қилдик. Сирасини айтганда уларнинг барчаси ҳам ўз зиммасидаги вазифаларни сидқидилдан бажармоқдалар. Бўстонлиқ, Қибрай, Зангиота, Тошкент, Юқоричирчиқ ва бошқа бир қатор туманларда яқиндагина ўтказилган оқинларнинг анъанавий айтишувлари ҳали-ҳамон шу худудларнинг меҳнаткашлари ёдида. Ана шу учрашувларда фақат республикамиздангина эмас, қўшни Қозоғистондан ҳам кўплаб машҳур оқинлар қатнашдилар. Булардан ташқари туманларда «Қимиз» сайилларини ўтказиш ҳам анъана бўлиб қолди. Унда фақат қозоқларгина эмас, шу ҳудудларда истиқомат қилаётган бошқа миллатларнинг вакиллари ҳам иштирок этмоқдалар. Миллий-маданият маркази шунингдек машҳур тарихий шахсларнинг, жумладан, Алишер Навоий, Амир Темур, Улуғбек, Ат-Термизийларнинг туғилган йилини нишонлаш, қозоқ элининг маълум-машҳур олимлари, шоир ва мутафаккирлари Тўлаби, Турор Рисқулов, Султонбек Хўжанов, Иляс Жонсуғуров, Бейинбет Майлинларнинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолиятини ўрганиш юзасидан ҳам ибратли ишлар қилаётир.

Миллий-маданият марказининг фаолият кўлами ниҳоятда кенг. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, биз қозоқлар зич жойлашган худудларда қозоқ миллий мактабларини кўпайтириш ва уларда ўз она тилимизда дарслар олиб бориш таклифи билан ҳам чиқдик. Ўзбекистон ҳукумати илтимосимизни бажарди. Ҳозир республикада 600 та, Тошкент вилоятида эса 67 та қозоқ мактаблари очилган. Булардан ташқари, ўзбек-қозоқ, қирғиз-қозоқ, тожик-қозоқ тилларида дарслар ўтиладиган юзга яқин мактаблар ҳам ишлаб турипти. Шунингдек, барча туманларда қозоқ ансамбллари ташкил этилган. Миллий-маданият маркази иштирокида Жанубий Қозоғистон вилояти билан Тошкент вилояти ўртасида тузилган шартнома асосида студентларни алмаштириш ҳам йўлга қўйилди. Ҳозир Тошкент шаҳрида Жанубий Қозоғистондан келган 70 студент, у ерда ҳам шунча тошкентлик студентлар олий ўқув юртларида билим олмоқдалар.

Шу кунларда фақат Қозоғистондагина эмас, балки республикамизда ҳам қозоқ мутафаккири, шоир Абай Қунанбоев туғилган куннинг 150 йиллиги кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан Тошкент вилоятининг бир қатор туманларида кечалар бўлиб ўтди. Уларда эса алматилик, Қозоғистонда хизмат кўрсатган артист Кенжагали Мирчиқбоев, шоир Хонбиби Есенқораевалар ҳам қатнашдилар. Зеро, Абайнинг асарларини Ўзбекистонда ҳам севиб-қизиқиб ўқийдилар.

«Дўстлик барча бойликдан ҳам афзал», деган эди шоир ва мутафаккир Абай Қунанбоев. Ҳа, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва биродарлик йил сайин кучайиб, ривожланиб бормоқда. Қозоқ миллий-маданият маркази ана шу умумий ишга муносиб ҳисса қўшаётганлигидан ҳаммамиз ҳам мамнунмиз.

Турсунмат ХОЛБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси қозоқ миллий-маданият марказининг раиси.

Халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва асл биродарлик илдизлари минг йиллардан нарига ўтиб кетган. Бизнинг тарихимиз, тилларимиз, динимизгина умумий эмас, тақдиримиз ҳам муштаракдир. Биз қозоқлар ва ўзбеклар, қозоғистонликлар ва ўзбекистонликлар бирлигимизнинг ана шу кўзга кўринмас, лекин мустаҳкам риштасини ҳамиша сезиб турамиз. Бу нарса айниқса ҳозир, Қозоғистон билан Ўзбекистон ўз давлатини барпо этишнинг ягона ва мураккаб йўлидан бораётган пайтда яққол сезилмоқда.

Нурсултон НАЗАРБОЕВ.

ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИКДА

МУСТАҚИЛ Ўзбекистонда чиқаётган «Нурли жол» /собиқ «Дўстлик туғи»/ газетаси ижодий жамоаси Жанубий Қозоғистон вилояти, хусусан, Чимкент шаҳри ижодкорлари билан мунтазам ҳамкорликни йўлга қўйган. Кейинги йиллар ичида бир қатор қозоқ ёзувчилари, журналистларининг ижодий маҳсуллари ана шу газета саҳифаларида ёритилди. Ёзувчилар Мархабат Бойғутов, Чўйбек Ўринбоевларнинг Чимкент театрида кўрсатилган «Қалдирғочби» саҳна асари газетамизда эълон қилинди. Бу пьеса республикамизда истиқомат қилувчи ўзбек ҳамда қозоқ театршунослари томонидан муносиб баҳо олди.

Икки халқ орасидаги ҳамкорлик бошқа тадбирларда ҳам намоён бўлмоқда. Тулкибос туманида истиқомат қилувчи шоир Ж. Бўронбоевнинг адабий тўпламидан Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани, Газалкент шаҳри табиати манзараларига бағишланган шеърлар ўрин олганлиги ё бўлмаса яқинда Тошкентдаги байналмилал маданий марказида чимкентлик шоира Хонбиби Есенқораеванинг шеърият кечаси ўтказилганлиги сўзимизнинг ёрқин далилидир. Чимкент шаҳрида чиқадиган «Жудируқ» ҳажвий газетаси жамоаси ташаббуси билан уюштирилган танловда эса «Нурли жол» мухбири Қулназар Ибрагимов ҳикояларига биринчи ўрин белгиланди ва у совриндар бўлди.

Шоир, бастакор, Қозоғистон журналистлар уюшмасининг аъзоси Собит Баҳодир ва Чимкентдаги Аҳмад Яссавий номли ўзбек маданияти маркази раисининг ўринбосари, «Дўстлик байроғи» газетаси адабиёт бўлимининг мудири шоир Ирисали Жумановлар ҳам муҳарририятимиз билан мустаҳкам алоқа боғлашган. Шу йилнинг март ойида Чимкентнинг «Дўстлик байроғи» ва «Дийдор» газеталари ҳамкорлигида саҳифа уюштириб, «Нурли жол» муштарийлари эътиборига ҳавола этдик.

Ҳар иккала вилоят ёзувчилари, журналистларининг ижодий ҳамкорлиги бундан буён ҳам давом этаверади.

О. САЙДАҲМЕДОВ,
«Нурли жол» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари.



Туркистондаги улуғ бобокалонимиз Ҳожа Аҳмад Яссавий мақбараси нафақат Марказий Осиё, балки жаҳондаги бир қатор бошқа халқларнинг ҳам муқаддас қадамжосидир.
А. РЎЗИМАТОВ олган сурат.

НАВОИЙ ВА АБАЙ

Ўзбек-қозоқ адабий алоқалари ҳақидаги «Адабий қардошлик» китобида филология фанлари номзоди Қалдибек Сейдановнинг «...ўзбек ва форс-тожик шоирлари, жумладан Алишер Навоий асарлари Сирдарё бўйлари, Жанубий Қозоғистон вилояти, Еттисув ўлкасида яшаган қозоқлар орасида кенг шуҳрат қозонгандир. Шунинг учун ҳам «Шоҳнома», «Лайли ва Мажнун», «Юсуф ва Зулайхо», «Фарҳод ва Ширин», «Садди Искандарий» каби дурдоналар Бармоқ, Усмонтой, Мақиш, Кўжантой, Балқи, Бозор, Турмуғамбет, Шоди Жангиров, Ўрозмулла, Нуржон, Юсупхўжа, Майлихўжа, Оқ мулла, Жамбил каби йирик оқинлар томонидан куйланиб қозоқ халқини ҳам бахраманд этган», деган сўзларини ўқиймиз.

Чиндан ҳам ўзбек ва қозоқ халқлари қадимдан тақдири билан тарихи бир, сўзлари билан сўзлари оҳангдош, қондошу-жондош эллардир. Маданияти ва адабиёти бирга туғилиб, бирга ўсиб келаётган халқлардир. Қозоқ халқининг оқсоқол оқинларидан бири Деҳқон Абилов «Мадҳия» шеърида:

Қайга бормай, менга ушбу ўй ҳамдам:
Алишерни ардоқларди Абай ҳам.
Ғафур — Собит бир тоғнинг қўш чўққиси,
Мухтор — Ойбек иккаласи бир олам.

деб ёзганида минг бора ҳақ эди. Дарҳақиқат, қозоқ адабиётининг отаси Абай Қўнонбоев ҳам Алишер Навоийни жуда ардоқларди, ўз устозларидан бири деб биларди. Маълумки, Абай мадрасада ўқиб юрган пайтларида араб, форс, турк шоирларининг асарларини севиб ўқиди, айрим ғазалларини ёд олди. Шарқнинг буюк алломалари Фузулий, Навоий, Фирдавсий, Хўжа Ҳофиз кабилардан мадад тилади:

Фузулий, Шамсий, Сайқалий,
Навоий, Саъдий, Фирдавсий.
Хўжа Ҳофиз — сиз ҳаммангиз,
Мадад беринг, қилманг осий.

Машҳур ёзувчи Мухтор Авезов Алишер Навоий ғазалларининг, достонларининг XIX аср қозоқ адабиётига таъсири ҳақида ёзиб: «Абай Алишер Навоийни энг яқин устоз деб билади ва унинг асарларидан ўрнак олади», — деган эди. Агар Навоий асарлари билан Абай асарларини бир-бирига таққосласак, улар ижодидаги яқинликни ва Абайнинг Навоий асарларига ижодий ёндошганлигини аниқ кўрамиз. Бу айниқса унинг «Алифбо», «Юзи равшан», «Ҳор бўлди жоним», «Кўзимнинг қораси» ва «Ўлан — сўзнинг подшоси» каби шеърларида яққол сезилади. Шоирнинг бу шеърлари шарқнинг мумтоз ғазал услубига яқиндир. Абай ҳам буюк гуманист шоир Алишер Навоий каби ўз асарларида одамийликни, адолатни, яхшиликни алоҳида мароқ билан куйлаб, ёмонлик, зулм, зўравонликка нафрат билан қарайди, муҳаббатни, чин севгини ардоқлайди.

Шунингдек, Абай «Искандар», «Маъсуд», «Азим ҳақида достон» каби бадиий етук достонларини яратишда ҳам Алишер Навоий достонларига ижодий ёндошган. Филология фанлари доктори, профессор Есмағамбет Исмоилов Абайнинг «Искандар» поэмасини Навоийнинг «Садди Искандарий» достони билан ҳамоҳанг деб баҳолайди.

«Шеъриятимизнинг икки улкан шоири ўзларининг умид-орзуларида қардош халқларнинг ёрқин келажагини, келажакда уларга сершуъла тонг отажагини, бошқалардан олдин сезганлар, дейди Есмағамбет Исмоилов. — Ўз элининг бахтли, эркин, бадавлат замонга етишини истаганлар, улар дўстлик билан қардошликни, инсонпарварлик билан чин муҳаббатни куйлаганлар».

Чиндан ҳам икки қардош ўзбек ва қозоқ халқининг шеърият осмонида юлдуздек порлаган икки севимли фарзанди — Алишер Навоий ва Абайнинг йўли, мақсади, ўйи бир эди.

А. ТОЛИПОВ.

Бизнинг суҳбат

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

ЙЎЛЛАР... Бу қадим йўллар... Халқларни, давлатларни бир-бирига боғловчи йўллар. Ана шундай қадимий йўллардан бири икки катта мамлакат — Ўзбекистон ва Қозоғистонни боғлайди. Хусусан, пойтахтимизнинг энг серқатнов, гавжум Чорсу автобекатидан Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида бир неча йўналишлар бўйича автобуслар қатнови ташкил этилган. Бу халқларимизнинг борди-келдиси, савдо-сотиғи учун қулайлик яратиб бермоқда. Қозоғистонда Ўзбекистон Республикаси кунлари бошланиши арафасида биз ана шу автобекатда бир неча йўловчилар билан мулоқотда бўлдик.

ЎЗБЕКИСТОННИ ЎЗ УЙИМДЕК КЎРАМАН

ҚОЛДИВОЙ ДУЙСЕБОЕВ:

— Қозоғистонликман. Чимкент вилояти, Сариоғоч туманидаги К. Маркс номли давлат хўжалигида истиқомат қиламан. Лекин Ўзбекистонни ўз уйимдек кўраман, ўзбекистонликлар билан эса ака-ука бўлиб кетганмиз. Негаки, эсимни танибманки, ҳаётим шу жаннатмакон юрт, унинг меҳнаткаш, саҳийқалб ишлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб келмоқда. Узоқ йиллар мобайнида Тошкентдаги 1-нон заводида меҳнат қилдим. Ҳозирда эса Чуқурсойдаги «Ёғочсоз» акционерлик жамиятида кранчи бўлиб ишлайман. Бугун дам олиш куним бўлганлиги туфайли, бозорга, рўзғор учун керакли нарсалар харидига келяпман.

Мен ҳар иккала мустақил республикаларда рўй бераётган катта ўзгаришлар, айниқса, Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ўзаро ривожланиб бораётган ҳамкорлик, дўстликка гувоҳ бўлиб келяпман. Бултур Ўзбекистонда катта муваффақият билан ўтган Қозоғистон кунлари бундай дўстликнинг ёрқин намойишига айланган бўлса, бугун Алматида бошланадиган Ўзбекистон кунлари икки халқ қардошлигини яна ҳам мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиздир. Бу кунларни қозоғистонликлар ҳам катта қизиқиш билан қарши оляптилар. Улар ўзбек халқининг ҳаёти, маданияти, санъати билан яқиндан танишадилар. Ўйлайманки, бундай фойдали ҳамкорлик, қизиқарли ташрифлар бундан буён ҳам давом этаверади.

ДЎСТЛИГИМИЗГА КЎЗ ТЕГМАСИН

ТЎКТИБОЕВ ЕЛТОЙ СОҒИН ЎҒЛИ:

— ДЎСТЛИК чегара билмайди, дейишади. Бу жуда ҳақ гап. Мана мен Қозоғистонда яшасам ҳам Тошкентда ишлайман. Шуни айтишим керакки, мен меҳнат қилаётган корхона турли миллат вакилларидан иборат. Ҳаммамиз бир-биримиз билан жуда аҳил-иноқмиз. Ҳали бирор марта ҳам сенинг юртинг, миллатинг бошқа деган гапларни эшитмаганман. Ишда зарур бўлган ҳолларда ўзаро ёрдамларимизни бир-биримиздан аямаймиз, тўйларда, маросимларда елкадошмиз. Ана шу хислатлар туфайли ҳам бир-биримизга бўлган меҳр-оқибатимиз ортиб бормоқда.

Меҳмондўст ўзбек халқи дўстлар учун доимо уйининг тўри, қалбининг қўрини беради. Бундай фазилатлар одамлар ўртасида қадр-қимматни тиклаши шубҳасиздир. Ўз ўрнида биз ҳам бундай ҳурмат ва эътиборни эъзозлашга ҳаракат қиламиз. Илоҳим қардошлигимизга ҳеч қачон кўз тегмасин, биродарлигимиз мустаҳкамланаверсин, дейман.

ТАҚДИРЛАРИМИЗ ТУТАШ

ГУЛНОРА ИЛМШОЕВА:

— КАТТА оила бекасиман. Олти нафар фарзандим бор. Албатта, инсон борки яхши яшаши, рўзғорини бисёр этгиси келади. Бунинг учун ўзига қулайликлар қидиради. Ҳонадонимиз Тошкентга яқин бўлганлиги учун кўпинча бозор-ўчарга шу ерга келаман. Худога шукур, бу бозордан истаган нарсамни топаман, унинг тўкин-сочинлиги, нарх-наволарнинг нисбатан арзонлиги бизга жуда маъқул. Мен эҳтиёжимиздан ортиқча чорвачилик маҳсулотларини ҳам шу ерда сотиб, рўзғоримиз учун керакли маҳсулотларни шу ердан оламан. Бошқа кўни-қўшниларим эса қуртми, пишлоқми, сотишиб, бозордан ўз эҳтиёжларини қондириб қайтишяпти. Кўнглимдаги гапларни айтадиган бўлсам, Ўзбекистон ва Қозоғистон халқларининг меҳри қадимдан бир-бирларига пайванд бўлиб кетган. Бизнинг овулимизда ўзбекларга қиз берган қозоқларни, шунингдек, қиз олган оилаларни кўплаб учратасиз. Ана шуларнинг ўзиёқ ота-боболаримиз, авлод-аждодларимиз яратиб кетган удумлар, урф-одатларнинг бир-бирига ниҳоятда монандлигидан, элларимизнинг тақдирлари туташлигидан далолатдир. Албатта, бундай аҳиллик, иноқлик доимий бўлиши тарафдориман.

З. ЖУРАЕВА суҳбатлашди.

САНЪАТ — ҚАЛБ КЎПРИГИ

БЕПОЁН қозоқ диёридаги Ўзбекистон кунлари бугун эрта тонгданоқ ниҳоятда самимият ва соғинчли дийдорлашув билан бошланиб кетди. Тошкент вилояти билан биродарлашган Жанубий Қозоғистон вилоятида эса худди шу дамларда қозоқ ўланлари билан бирга ўзбек алёрлари, куй-қўшиқлари янграмоқда. Хўш, Ўзбекистон кунларида бизнинг вилоятимиздан қайси санъат гуруҳлари иштирок этмоқда? Вилоят маданият бошқармаси бошлиғи Зоҳиджон СОЛИҲОВ бу саволга шундай жавоб беради:

— «ЎЗБЕКИСТОН кунлари»да иштирок этиш учун Жанубий Қозоғистонга йўл олган вилоятимиз вакиллари орасида санъаткорлар кўпчиликни ташкил қилади. Бу — бежиз эмас. Чунки санъат — таржимонга мухтож бўлмаган, қалбларни боғлай оладиган, ўзаро меҳр-оқибатни улуғлайдиган мўъжизавий кучдир. Бир оғиз сўз билан уни қалб кўприги деса ҳам бўлади.

Бугун Жанубий Қозоғистон диёрида 45 кишидан иборат санъаткорлар гуруҳи ўз фаолиятини бошлади. Улар орасида «Сўғдиёна» халқ чолғу асбоблари оркестри, хушовоз хоананда Азим Муллахонов раҳбарлигидаги «Нола», Қибрай туманидан «Шалола» ашула ва рақс ансамбли гуруҳлари бор. Санъаткорлар қардошларга совға сифатида бир қатор янги қозоқча куй ва қўшиқлар ҳам тайёрлашган.

ЖАНУБИЙ Қозоғистон вилоятининг Олғабос туманидаги «Мойбулоқ» давлат хўжалигида қўйчилик ривожланган.
Суратда: «Мойбулоқ»нинг серўт яйловларида.
Қ. НУРБЕКОВ олган сурат.

ОТА ИЗИДАН

Давлат мукофоти совриндори Жуман ота Аёзбоев ўз даврида қўйчилик соҳаси миришкори сифатида бутун Қозоғистонда донг таратган эди. Унинг тўнғич ўғли Қурбон Жумонов ҳам ота изидан бориб 33 йилдан бери чорвачилик билан шуғулланиб келаётир. У билан учрашиш мақсадида сўроқлаб уйига бордим. Эшикни унинг қизи Нағима очди. Мен қозоқча сўзлашсам, у соф ўзбек тилида жавоб қайтарди:

— Келинг, дадамлар уйдалар.

Қурбон ака билан гангур-гунгур суҳбатлашиб ўтирдик.

— Мен қозоқ фарзандиман, лекин ўзбек халқига бўлган ҳурматимни яширимайман, — деди у. — Ўзбекни Бетпақдалага олиб бориб қўй, агар бир йилда гуллатмаса отимни бошқа қўяман. Чунки ўзбек асл деҳқон, меҳнаткаш, қўли теккан жой албатта гуллаб-яшнайди. Буни кўп кўрганман.

Қурбон Жумонов 15 йилдирки, Аҳмад Яссавий номли ҳиссадорлик жамиятига қарашли бўрдоқичилик фермасига мудирлик қилади. Фермада 650 бош қорамол асраляпти. Ҳамма нарса тақчил бўлган шу кунларда ҳам улар ёмон ишлашмаяпти. Ўтган йили 177 бош молнинг ҳар бирини 435 килограммдан гўштга топширганди.

Фермага илк бор келган одамнинг эътиборини албатта каттагина майдонни эгаллаган теракзор ўзига тортади.

— 30 сотихда терак ўстиряпмиз. Раисимиз Абдуфаттоҳ ака Абдуазимов ферма ёнидан тўрт гектар ер ажратиб берганди. Яна терак экмоқчимиз. Чунки ўзбекнинг ҳам, қозоқнинг ҳам дарди — бола-чақаси учун уйжой қуриш. Уй эса ёғочсиз битмайди.

— Унда Ўзбекистоннинг мирзатерагидан экаркансизда, деб — иконлик Абдулла ака Абдураззоқовнинг Ўзбекистондан олиб келиб кўпайтираётган мирзатераклари иморатбоп бўлиб қолгани ҳақида сўзлаб бердим.

— Фақат Абдулла ака эмас, биз ҳам асосан мирзатерак экдик, — деди Қурбон Жуманов. — Қаламча учун эса атайлаб, соҳибкорларга учрашдим. Барака топишсин, машинамни тўлдириб мен айтган терак қаламчаларини бериб юборишди.

Чорвачилик фермасини айланар эканмиз, Қ. Жумоновнинг бошқа ишларига ҳам тан бердик. 4 йилдирки, фермадаги қурувчилик ишларини боғбон ва уста Саидқулов бемалол бажаряпти. Мудирнинг шахсий маблағи эвазига эса бир чақиримдан янги қурилган чорвадорлар уйига табиий газ қувурлари тортилибди. Олиб келинган қаламчалар илдиз отиб, бўй чўзиб, шовуллаб турибди. Яна икки-уч йилдан сўнг бемалол иморатбоп ёғоч бўлиб қолади. Фермaнинг ёнбошидаги каттагина пайкалда бўлса турли хил сабзавот экиндари барқ уриб ўсяпти.

Сайрамлик чорвадор Қурбон Жумоновнинг ўзбек соҳибкор ва деҳқонлари билан алоқаси шу тарзда ўсиб, дўстлик ришталари мустаҳкамланиб бормоқда. Бу — ўзбек деҳқони билан қозоқ чорвадорларининг эмас, икки эл фарзандининг ўзаро биродарлигидан бир мисол, холос.

Аваз ҚУЗИ.

БИР АВЛОД, БИР АЖДОДМИЗ

Ўзбек билан қозоқни, умуман, Буюк Туркистон заминида истиқомат қилаётган туркий халқларни бир-биридан фарқлаб бўлмайди. Тилимиз бир, дилимиз бир, динимиз бир. Азал-азалдан бир авлод, бир аждод, қонқардошмиз. Шу боисдан қадимда ўртамизда ҳеч қандай тўсиқ, чегара бўлган эмас. Бунга аслида ҳожат ҳам йўқ эди. Бир минтақа ҳавосидан нафас олиб, бир дарёнинг сувини ичиб келганмиз.

Жумладан, бизнинг Юқоричирчиқ туманидаги Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжалигимиз жуда кўп миллатлар аҳил ва иноқ яшаб, меҳнат қилиб келаётган қутлуғ оила. Ўзбек ҳам, қозоқ ҳам ва бошқа миллат вакиллари ҳам бир қишлоқнинг фуқаросимиз. Шунинг учун тўй-ҳашамларимиз тенг ўртада.

Мен қозоқ билан ўзбекнинг ажралмас оға-ини, тақдири ўхшаш, орзу-умидлари пайваста эканига жондилимдан кафолат бераман. Ва Худо берган бу бебаҳо неъматни ҳамиша кўз қорачиғидек асраб, авайлашни истайман. Ахир, бу икки буюк халқ — ўзбек билан қозоқнинг, қолаверса, барча туркий элатларнинг бахти ва иқболи, энг муқаддас қадриятидир.

Комил ҚУЛДОШЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор.

Туркистон — умумий уйимиз

ҲАР ГЎШАДА ҚАДР ТОПИБ

ЮҚОРИЧИРЧИҚ туманидаги Навроз номли қозоқ театри ташкил этилганига етти йил бўлди. Бу вақт ичида унинг дастуридан юксак инсоний фазилатларни мадҳ этувчи қатор пьесалар ўрин олди.

Театр жамоасига малакали ва маҳоратли хизмати учун яқинда халқ театри номи берилди. Шу муносабат билан биз унинг раҳбари Турғунали МУСАМАТОВНИ суҳбатга жалб этдик.

— Турғун ака, театрнинг ташкил этилиши тарихи билан қисқача таништирсангиз.

— Мактабда ўқиб юрган кезларимда театр санъатига ҳавасим уйғонган. Кейинчалик Бахтиёр Ихтиёров, Суръат Пўлатовлардек таниқли актёрлар билан танишиб, ака-укадек бўлиб қолдик. Улар мендаги қизиқишни сезишгач, шу соҳа бўйича ўқишга киришни маслаҳат беришди. Бу орада ҳарбий хизматга чақирилдим. Армиядан кейин эса оилавий шароит туфайли ишлашга тўғри келди. Шунда ҳам, саҳна мени ўз оғушига тортди. Ўша пайтда тумандаги «Самандас» бадиий дастаси иштирокчиси эдим.

Нихоят, 1988 йили умр йўлдошим Гулжанга ҳаваскорлар театрини очиш ниятида эканлигимни айтдим. Саҳнада сен ҳам роль ўйнайсан, бўлмаса, хотин-қизларни жалб этиш қийин бўлади, дедим. Шу тарзда қобилиятли ёшларни тўплаб, театр ташкил қилдим. Тарбиявий, маънавий қадриятлар, муҳаббат мавзуидаги пьесаларни танлаб, томошабинларга кўрсата бошладик. Аста-секин эътиборга тушдик. Туман маданият бўлими бизни қўллаб-қувватлаб, жойларга бориб санъатимизни кўрсатиш учун автобус ажратиб берди. Фаолиятимиз ана шундай бошланган.

— Кайси пьесаларни томошабинлар катта қизиқиш билан кўрмоқдалар дея оласиз?

— Қозоқ ёзувчиси Ўрозбек Бодуховнинг «Аттанг, қисқа умр» драмаси, «Вой-бўй, куёв керак» комедияси, шунингдек бошқа муаллифларнинг «Она», «Икки оғайни умри», «Гаранг кампир» пьесалари томошабинларда яхши таассурот қолдириб келмоқда. Театримиз жамоаси сафи эса йилдан-йилга ортиб бораётир. Ҳозир биз 18 нафармиз. Шулар орасида умр йўлдошим, қизим ва набирам ҳам бор.

— Вилоятимиздан ташқарида ҳам бўлиб турасизларми?

— Албатта. Ўзингизга маълум, ўзбек, қозоқ, тожик, қирғиз ва туркман халқлари қадим-қадимлардан тарихи ҳам, тақдири ҳам бир-бирига ўхшаш. Шу боис саҳна асаримиз қайси мавзуда бўлмасин бу халқлар қалбига тез сингмоқда. Биз Жанубий Қозоғистоннинг Чордара туманида, Тожикистоннинг Ленинобод шаҳрида, Тошкент вилоятининг Бўка, Пискент, Қибрай, Қуйичирчиқ туманларида ўз дастуримизни намойиш этдик. Театримизга қизиқиш катта. Мен сизга бир мисолни айтиб берай. Ўтган йили Чордарадаги давлат хўжаликларида театр кўрсатиб юрган кезларимиз эди. Навбатдаги томошадан сўнг биз жойлашган хонага бир киши кириб келди. Басавлат, ораста кийинган. Лекин киёфасида ранжиш аломати сезилиб турарди.

— Нега бизнинг хўжалигимизни бостириб қўшни хўжаликка ўтиб кетдинглар, сизларни кутиб ололмасмидик, ё бизнинг одамлар театрни тушунишмайди, деб ўйладингизми?, — дея эътироз билдирди.

Унинг астойдил жаҳли чиққан эди. Биз йўл ёқасидан ичкарироқда жойлашган яна бир хўжалик борлигидан чиндан ҳам бехабар эдик. Раисга сабабини тушунтириб, узр сўрадим. Икки кундан кейин у таклиф этган клубда томошамизни кўрсатдик. Биз бундай меҳр ва илтифотни вилоятимизнинг барча туманларида, Тожикистонда бўлганимизда ҳам ҳис этганмиз. Театримиз жамоаси фақат дастур асосида томошалар кўрсатиб қолмай, мактабларга байрам тадбирларини ўтказишда ҳам ёрдам бериб келмоқда. Шу йилнинг бошида Юқоричирчиқ туманидаги 35-мактабда буюк мутафаккир Алишер Навоий туғилган кун муносабати билан театрлашган кўрсатув намойиш этдик. Яқинда эса ана шу жойда қозоқ шоири Абай туғилган куннинг 150 йиллигига бағишланган тадбир ўтказилди.

— Бозор иқтисодиёти шароитида халқ театри жамоаси учун ҳам мушкулликлар пайдо бўлгандир?

— Қийинчиликлар йўқ эмас, лекин бизни қўллаб-қувватловчилар кўплиги жамоа аъзоларини руҳлантирмоқда. Хусусан, туман ҳокимлиги, маданият бўлими, «Юқоричирчиқ» жамоа хўжалиги бошқаруви доимо ғамхўрлик кўрсатиб келишмоқда. Яқинда жамоа хўжалиги катта, барча қулайликларга эга бўлган клубини ўз ихтиёримизга берди. Уни ҳашар йўли билан — оиламиз аъзолари, бадиий ҳаваскорлар биргаликда таъмирладик. Энди томошаларни бошлаймиз. Бу йил ҳам Жанубий Қозоғистон вилояти, Тожикистоннинг бир қатор туманлари бўйлаб сафарга чиқамиз.

Суҳбатдош С.ҲАСАНОВ.

Суратда: «Наврўз» халқ театри ижрочиларидан бир гуруҳи саҳнада.

Куни кеча вилоятимизнинг турли шаҳар ва туманларидан келган эллик нафардан ортиқ уруш ва меҳнат фахрийлари Минерал сувлари санаторийсида дам олиш учун жўнаб кетдилар. Тошкент вилоят касаба уюшмалари кенгаши бепул йўлланмалар ажратиб, улар учун бундай имкониятни яратиб берди. Фахрийларга вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси М. Тўлаганова республика Фахрийлар кенгаши раиси Б. Раҳимовлар оқ йўл тиладилар.

Суратда: бир гуруҳ фахрийлар жўнаш олдидан.

А. МАЛЬЦЕВ суратга олган.

Бизнинг суҳбат

«МУСТАҚИЛЛИК» ЛОТЕРЕЯСИ СИЗГА ОМАД КЕЛТИРАДИ

Чунки бу пул-буюм лотереясининг ютуқлар миқдори 187,5 миллион сўмни ёки чиқарилган лотерея умумий миқдорининг 75 фоизини ташкил этади

Республикамиз мустақиллигининг тўрт йиллиги арафасида Ўзбекистонда «Мустақиллик» пул-буюм лотереяси ўйналади. Бу қўпчилик ҳамюртларимизга катта қувонч олиб келиши аниқ. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ҳамма ерда бу лотереяни аҳоли кенг кўламда сотиб олмоқда. Тошкент вилоятида ҳам ушбу лотерея билетларини аҳолига тарқатиш юзасидан катта ишлар қилинмоқда. Яқинда мухбиримиз «Ўзжамғармабанк»нинг вилоят бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Х.А.Сидиқова билан «Мустақиллик» пул-буюм лотереясини ўтказиш шартлари ва тартиби тўғрисида суҳбатлашди.

— «Мустақиллик» пул-буюм лотереяси Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 4 йиллигини нишонлаш ҳамда аҳолининг ишлатилмаётган нақд пул маблағларини жалб этиш йўли билан миллий валютани мустаҳкамлаш мақсадида чиқариляпти, — деди Х.А.Сидиқова. — Бу лотерея мустақил республикамиз тарихида давлат томонидан чиқарилган иккинчи лотереядир. Унинг таъсисчилари республика Молия вазирлиги, Марказий банк, «Ўзжамғармабанк», Алоқа вазирлиги, «Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашув»лардир. Лотерея 250 миллион сўмлик миқдорда чиқарилади. 25 миллион дона лотереянинг ҳар бирининг қиймати 10 сўмдан иборатдир. Лотерея билетларининг умумий миқдори 40 та алоҳида разрядларга бўлинади.

Лотереянинг 40 разряди бўйича тиражда умумий миқдори 187 миллион 500 минг сўмлик 2 миллион 912 мингта пул-буюм ютуқлари ўйналади. Ютуқлар тиражи шу йилнинг 29-30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

— Лотерея билетларини қаерларда сотиб олиш мумкин?

— Лотерея билетларини вилоятимиз ҳудудида Жамғарма банки муассасаларининг исталган бўлими ва шаҳобчалари, республика Алоқа вазирлигининг алоқа бўлимлари, савдо, матлубот кооперацияси ва «Ўзтайёрловсавдо» уюшмаси корхоналари ҳамда шу мақсадлар учун шартнома асосида жалб этилган шахслардан сотиб олиш мумкин.

— Ютуқлар қандай тартибда тўланади?

— Бу гал ютуқлар ғоятда хилма-хилдир. Унда «TICO», «Labo» автомобиллари, «Deawoo» рангли телевизорлари, юмшоқ мебел, девор шкафи ҳамда ошхона мебеллари тўпламлари, «Семурғ» оқ-қора тасвирли телевизорлар, дала ҳовли мебелларининг тўпламлари, гиламлар, кир ювиш машиналари, турли хил ёритгичлар, телефон аппаратлари, электр дазмоллар, хуллас, ҳозир камёб бўлган буюмлар ва уйрўзғор асбоб-анжомлари бор.

Лотерея билетлари бўйича пул ютуқлари ютуқли билет кўрсатилгач, «Ўзжамғармабанк»нинг барча муассасалари томонидан тўланади.

Қиймати 3800 сўмгача бўлган буюм ютуқлари ютуқ чиққан лотерея билетлари «Ўзжамғармабанк» операция бўлинмаларида дастлабки текширувдан ўтказилгандан кейин «Ўзбекбирлашув» улгуржи базалари томонидан берилади. Қиймати 3800 сўмдан ортиқ бўлган буюм ютуқлари эса ютуқ чиққан лотерея билетлари «Ўзжамғармабанк» томонидан экспертизадан ўтказилгандан сўнг «Ўзжамғармабанк» топшириқномалари бўйича, ушбу топшириқнома олингандан кейин 15 кун мобайнида Ўзбекбирлашувнинг улгуржи базалари томонидан берилади ва жўнатилади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки буюм-ютуқлари нақд пул билан берилмайди. Ютуқ чиққан лотерея билетлари пул ёки ютуқ буюмини олиш учун 1996 йил 1 февралгача тақдим этилиши мумкин. Ана шу муддатдан кейин лотерея билетлари ўз кучини йўқотади ва ютуқни бериш учун қабул қилинмайди.

Шу кунларда «Ўзжамғармабанк»нинг вилоят бошқармаси аҳоли ўртасида лотерея билетларини сотиш бўйича реклама ишларини кенг кўламда ташкил этмоқда. Биз билетларни сотишнинг бориши ва ютуқларнинг берилиши устидан доимий назорат ўрнатамиз.

— Ҳолида Абдуллаевна, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 4 йиллигини нишонлаш арафасида бошлаб юборган хайрли фаолиятингизда катта муваффақиятлар тилаймиз. Самимий суҳбатингиздан миннатдормиз.

— Раҳмат. Албатта, «Мустақиллик» пул-буюм лотереясини сотиб олинг, омадингиз келиб, ютуқ эгаси бўлишингизга ишончимиз комил.

Суҳбатдош Р.ТУРСУНОВ.

• СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ •

МУҲИМ ЮТУҚ

Эронда оғир атлетика бўйича жаҳон кубоги учун мусобақа бўлди. Унда ўзбекистонлик спортчилар катта муваффақиятга эришиб, 7 та олтин, 5 та кумуш ва 5 та жез медалини қўлга киритдилар.

Григорий Лейбман штангани силтаб кўтариш бўйича 186 килограмм бўлган жаҳон рекордини икки марта янгилади. У дастлабки уринишда 188 килограммлик, иккинчи уринишда эса, 190 килограммлик штангани силтаб кўтарди.

Жаҳон кубоги учун ўтказилган мусобақада 12 мамлакат спортчилари иштирок этди. Ўзбекистон спортчилари ана шу даврада иккинчи ўринни эгаллашди. Бу оғир атлетикачиларимизнинг келгуси йил АҚШнинг Атланта шаҳрида ўтказиладиган XXVI Олимпиада ўйинларига яхши тайёргарлик кўраётганидан далолатдир.

(ЎзА).

ЯНГИЙЎЛЛИК ПОЛВОН ҲАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБИ

Россиянинг Толятти шаҳрида эркин кураш бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда Янгийўлдан ўн полвон қатнашди. Сафар харажатларини Янгийўл бройлер-паррандачилик ҳиссадорлик жамияти ўз зиммасига олди. 60 килограммгача полвонлар баҳсида Азиз Ғиёсов 5 та учрашув ўтказиб, ҳаммасида ғолиб келди ва биринчи ўринни эгаллади. Азизполвон Ғиёсов ва унинг устози Александр Карповни ғалаба билан қутлаймиз.

БУГУН — БИРИНЧИ ИМТИҲОН

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Бишкекда биринчи расмий учрашувни бошламоқда

ШУНДАЙ қилиб, Ўзбекистон футболи тарихида бугун яна бир саҳифа очилади. Қирғизистон пойтахтида Ўзбекистон олимпия терма командаси дастлабки саралаш учрашувини ўтказади. Бу бўлажак XXVI олимпиада ўйинларнинг бошланғич саралаш беллашувлари туркумига киради. Осиё қитъасидан ана шу саралаш ўйинларида иштирок этадиган 25 мамлакат футболчилари саккиз гуруҳга бўлинган. Бизнинг футболчиларимиз аввалига Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон жамоаларига қарши майдонга тушадилар. Ана шу гуруҳда биринчи ўринни эгаллаган ғолиб жамоа йил охирида ўтказиладиган навбатдаги босқичда иштирок этади. Келаси йил баҳорида эса Атлантада ўтадиган олимпиадада иштирок этадиган Осиё қитъасининг энг кучли уч жамоаси маълум бўлади. Футболчиларимиз Бишкекдаги учрашувдан сўнг Тошкентда 10 июнда Тожикистон, 24 июнда эса Қозоғистон футболчиларини қабул қилишади. Жавоб учрашувлари август-октябрь ойларида бўлади.

Ўзбекистон олимпия терма командаси 1992 йилда ташкил топган. Аввалига мамлакатимизда турли жамоалар билан ўртоқлик учрашувларида куч синашган олимпиадачиларимиз орадан бир ярим йил ўтгандан кейингина, яъни 1993 йилнинг июль ойида Минскка борганди. Команда мураббийлари Мирзоҳид Ғуломов ва Виктор Тихоновлар сафарга 20 футболчини жалб этишганди. Олимпиада мусобақалари низомига кўра ҳар бир жамоада иштирок этадиган футболчилар ёши 21 дан ошмаслиги лозим. Футболчиларимиз ўзларининг дастлабки халқаро учрашувларини Беларусь терма командаси билан ўтказиб, 2:0 ҳисобида ғолиб келишганди. Иккинчи ўйинда эса Минскнинг «Динамо» жамоасидан 1:3 ҳисобида енгилишганди. Сўнгра эса сафарда Қозоғистон олимпиадачилари билан натижасиз дуранг ўйнаган эдилар.

Ўзбекистон олимпиадачиларнинг Ҳиндистонга, Жаваҳарлал Неру соврини учун ўтказилган халқаро турнирга ташрифи ўзига хос тайёргарлик босқичини ўтади. Унда Ҳиндистон, Ироқ, Таиланд, Россия клублари терма жамоаси, Қозоғистон ва Ўзбекистон футболчилари қатнашди. Олимпиадачиларимиз биринчи учрашувни эронликлар билан ўтказиб, 1:3 ҳисобида енгилишди. Шунингдек Россия футболчилари билан бўлган учрашув ҳам муваффақиятсиз тугади.

Учинчи ўйинда майдон эгаларига қарши тушган футболчиларимиз маҳоратини мухлислару мутахассислар юқори баҳоладилар.

М.Курбонов, Н.Қуттибоев, Н. Насриддинов ва бошқалар чиройли ўйин кўрсатишди. Якунловчи баҳсда эса ватандошларимиз Таиланд терма командасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

Калькуттада Н.Ширшов, А.Хошимов, И.Буров, Д.Назаров, В.Чухнов сингари етакчи ўйинчиларимиз турли сабабларга кўра иштирок эта олмадилар. Иккинчи томондан эса команда мураббийлари бир қатор ёшларни синаб олиш имконига эга бўлишди. Ҳиндистонга дарвозабонлар Г.Забиров ва Р.Аҳмаджонов, ҳимоячилар Э.Ермаков, А.Букатин, Б.Номозов, Э.Ахтямов, Б.Қамбаралиев, ярим ҳимоячилар А.Абдурасулов, Г.Шарипов, О.Шокиров, хужумчилар Н.Қуттибоев, М. Курбонов, Н. Насриддинов ва А. Яровойлар боришди.

Қирғизистон олимпиадачилари билан бўладиган сафарга команда мураббийлари юқорида номлари тилга олинган ўйинчилардан ташқари яна дарвозабон О.Горвиц, ҳимоячилар Д.Файзиев ва Н.Ширшов, ярим ҳимоячилар У.Алматов ва М.Тўрахўжаев, ҳужумчилар Д.Ўрмонов ва Д.Назаровларни ҳам жалб қилдилар.

Шундай қилиб, бугун Ўзбекистон олимпия терма командаси биринчи имтиҳондан ўтади. Уларга Осиё ўйинларидан зафар кучиб қайтган акаларининг жасорати ва шижоати намуна бўлади, деб умид қиламиз.

С.ҒАФУРОВ.

Яккасарой туманига қарашли «СаидмуроД» хусусий фирма дўкони
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар бир ой ичида қабул қилинади.
Тел. 47-33-37.

ҲАФТАЛИК ТВ КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 22

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёшлик» студияси. «Тафаккур».
18.40 «Мусиқий дақиқалар». Созанда Абдураҳмон Холтожиев.
18.55 «Хазинамиз таянчи».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Булоқлар кўз очганда».
20.10 «Тилга эътибор».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Япония ҳақида ҳикоялар. «Сакура ва эҳромлар».
21.55 «Олтин мерос». «Тоҳир ва Зуҳра» фильмининг 50 йиллиги. Кинокўрсатув.
22.40 «Жаҳон жанговар санъатлари».
23.10 — 23.35 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Таҳлил».
19.10 «Йўлингиз бехатар бўлсин!».
19.40 «Деҳқон қиммати».
20.10 «Бизнес-академия».
20.30 — 22.00 «Ҳалқа». Бадиий фильм.

ЎзТВ III

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Кашф этилаётган имкониятлар».

«ОМАД» таништиради:
19.30 «Совға».
20.00 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
20.20 Жаҳон географияси.
21.10 Эълонлар.
21.15 Видео — «О».
22.55 Эълонлар.
23.00 «Курьер».
23.20 «...яна об-ҳаво ҳақида».
23.30 «Постфактум».
23.40 — 24.00 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 «Тиғиз пайт».
18.30 «Турмуш икир-чикирлари». Телесериал.
19.00 «Эркак ва аёл».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 «Рэкет». Телесериал премьераси. 1-серия.
21.40 — 22.35 «Матбуот-клуб».

СЕШАНБА, 23

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Шаҳризоданинг янги эртаги». Бадиий фильм. 1-фильм.
9.05 «Табиат — ҳаёт чашмаси». Кинодастур.
9.30 Немис тили.
10.00 «Кафолат».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 «Ёшлар ва замон».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
12.00 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
12.30 — 13.00 «Ривоят».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Қўнғироқча».
18.45 «Телеоператор нигоҳи билан...».
18.55 «Тараққиёт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Навоийхонлик».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Шаҳар бедарвоза эмас...».
22.20 «Доира довруғи». Ўзбекистон халқ артисти Талъат Сайфутдинов.
23.10 — 23.35 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Мультфейерверк».
19.00 «Ҳайвонот дунёсининг сирлари».
19.50 Янгиликлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.40 Видеогид.
21.00 Теле-ателье-шоу.
21.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.50 — 23.30 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
19.15 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.15 «Бозор иқтисодиёти сабоқлари».
20.45 «Би-Би-Си» янгиликлари.
20.55 «Интерпартнёр».
21.40 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.
21.50 — 22:30 «Соккер-клуб».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00 — 7.00 «Телетонг».

***

18.00 «Тиғиз пайт».
18.25 «Турмуш икир-чикирлари». Телесериал.
18.55 «Мавзу».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Илк манбадан».
20.55 — 24.00 Тирикларни чорлайман. «Энг узун кун». Бадиий фильм (АҚШ, 1962 й.).

ЧОРШАНБА, 24

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Шаҳризоданинг янги эртаги». Бадиий фильм. 2-фильм.
9.05 Эстрада тароналари.
9.35 «Ёшлик» студияси. «Яхшиларга эргашиб...».
10.20 «Ҳуқуқингизни биласизми?».
10.40 «Қишлоқ стадионларида».
11.10 — 13.00 «Умидлар йили». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Табиат алифбоси».
18.40 Спорт хабарномаси.
18.50 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Ўзбекистон: буюк келажакнинг ёркин уфқлари».
21.55 «Ёшлик» студияси. «Умид».
22.55 — 23.20 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Ўзим ҳақимда...».
19.00 «Жонли тил».
20.00 «Саломатлик — туман бойлик».
20.45 «Тошкент оқшомида».
21.45 — 23.25 «Кинематограф».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Яшил бойлигимиз».
19.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

«ОМАД» таништиради:
20.20 — 23.20 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00 — 7.00 «Телетонг».

***

18.00 «Тиғиз пайт».
18.25 «Турмуш икир-чикирлари». Телесериал.
18.55 «Орзу-хаёллар фабрикаси». Кўрсатувни А. Збруев олиб боради.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.50 — 22.00 Славян ёзуви ҳамда маданияти кунларига бағишланган кўрсатув.

ПАЙШАНБА, 25

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Муҳаббат можароси». Бадиий фильм.
9.20 Ўзбек тилини ўрганамиз.
9.50 «Фахрийлар — фахримиз».
10.40 «Халқ ижодиёти». Сибизға садолари.
11.10 «Қитоб ва ҳаёт».
11.45 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
12.20 «Суянч».
12.40—13.00 «Кичкинтой» устахонаси.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Сўнгги қўнғироқ».
18.35 Шимкент шаҳар Маданият уйи «Парвоз» ансамблининг концерти.
18.55 «Сиҳат-саломатлик».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Теннис. «Буюк Ипак йўли» Халқаро турнири.
20.20 «Вақт — ҳакам».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «XXI аср бўсағасида».
21.50 «ДЭУ электроникс» — «Узавтосаноат»: «Қўлни — қўлга бериб...».
22.20 «Оҳанглар оғушида». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирза Тоиров.
22.55—23.20 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Кўнгил».
18.40 «Жозиба».
19.00 «Бир шингил ҳангома».
19.10 «Муҳаббатга ошно қалблар».
19.30 Теле-ателье-шоу.
19.40 Видео янгиликлари.
20.05 Янгиликлар.
20.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.55 «Кинонигоҳ».
22.35—22.55 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Ҳуқуқий жамият сари».
19.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.20 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.40 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.40 «Сизга рақмат!».
22.25—23.55 Футбол. Чемпионлар лигаси. Финал. «Аякс» (Голландия) — «Милан» (Италия). Австриядан кўрсатилади.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00—7.00 «Телетонг».

***

18.00 «Тиғиз пайт».
18.30 «Турмуш икир-чикирлари». Телесериал.
19.00 «Эслашлари учун...». О. Даль. Кўрсатувни Л.Филатов олиб боради.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Москва, Кремль».
21.05—23.30 Кино асри. Марчелло Мастроянни Федерико Феллининг «Аёллар шаҳри» фильмида (Франция — Италия, 1980 й.).

ЖУМА, 26

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Алёшканинг севгиси». Бадиий фильм.
9.20 Немис тили.
9.50 «Жараён».
10.50 «Ўқитувчилар, Сизлар учун!».
11.20 «Ёшлик» студияси. «Бир ўлка-ки».
12.10—12.40 «Буни ҳамма билиши керак».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Қувноқ дақиқалар».
18.30 «Ишбилармон».
18.55 «Тафаккур ёлқинлари».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Етти иқлим садоси». Халқаро шарҳловчилар давраси.
20.20 «Юзма-юз».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Миллионлар минбари».
22.05 «Назм ва наво». Ҳувайдо лирикаси.
22.50—23.15 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Болалар оромгоҳлари мавсумга шайми?»
19.10 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
19.50 «Фильмлар ва тақдирлар».
20.30 «Билиб қўйган яхши».
20.55 «02» тўлкинида.
21.20 «Шаҳар юмушлари».
22.20—22.50 «Бу бўстон аро...»

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Спорт-тайм».
19.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

«ОМАД» таништиради:
20.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари.
20.40 «Панорама».
21.10 Эълонлар.
21.15 «Қирол репортажи».
22.00 «Даракчи».
22.10 Эълонлар.
22.15—23.55 Видео — «О».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00—7.00 «Телетонг».

***

18.20 «Турмуш икир-чикирлари». Телесериал.
18.50 «Мўъжизалар майдони».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45—21.45 «Рэкет». Телесериал. 2-серия.

ШАНБА, 27

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 Юнус Ражабий номидаги халқаро мақомчилар кўрик-танлови ғолибларининг якунловчи концерти.
9.10 «Оламни асранг!»
9.40 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
10.10 «Ислоҳот одимлари».
10.35 «Йиллар ва тақдирлар». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Насиба Қамбарова.
11.10 — 13.10 «Ёшлик» студияси. «Талабалар саҳнасида».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Ўсмирлар учун. «Ўлғайиш поғоналари».
18.30 Спорт хабарномаси.
18.40 «Ёшлик оқшоми».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Турфа ҳангомалар».
20.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Ўзбекистоним менинг». Тожикистон халқ артисти Жўрабек Набиев.
22.15 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Нурафшон».
23.45 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
23.55 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
9.00 «Мультфейерверк».
9.30 «Ҳайвонот дунёсининг сирлари».
10.20 Янгиликлар.
10.25 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.10 Видеогид.
11.30 Теле-ателье-шоу.
11.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.20 «Кинонигоҳ».
14.00 — 18.30 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

*

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Антенна».
19.40 «Плюс ноу-хау».
20.25 «Янги иқтисод». Ишбилармонлар матбуоти шарҳи.
20.40 «Менинг кўчам».
20.55 «Хонадонингиз осойишта бўлсин!».
21.55 «Ҳар соҳадан бир шингил».
22.15 — 23.55 «Кинематограф».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Айчурек» (қирғиз тилида).
10.40 «Ширу-шакар» (тожик тилида).
11.10 — 11.50 «Замандас» (қозоқ тилида).

***

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
19.20 «Мюзик-холл».
19.50 «Деҳқон даладан қайтди». Қишлоқ меҳнаткашлари учун кўрсатув.
20.50 «Вариацияли мавзу».
21.30 «Бу ажиб дунё».
21.50 «Интердиалог».
22.30 — 22.40 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.25 «Кулги панорамаси». Кўрсатувни Е. Петросян олиб боради.
18.10 «Қалла уриб». Кинокомедия премьераси (Франция).
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 «Рэкет». Телесериал. 3-серия.
21.40 — 23.50 «Монте-Карло-95» соврини. Жаҳон эстрадаси юлдузларининг фестивали.

ЯКШАНБА, 28

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 Болалар киносеанси.
9.30 «Шоҳрух» клуби.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан!» Кўрсатув ва концерт.
11.00 «Санъат олами».
11.30 «Бугун — Кимёгарлар куни». Кўрсатув ва концерт.
12.30 — 14.00 «Маънавият» видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.10 Ўсмирлар учун. «Ўйла! Изла! Топ!».
18.45 Дўстлик тароналари.
19.05 «Ойнаи жаҳонда...».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 «Ватанни севмоқ иймондандир...»
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳафтанома».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Қизиқчи-95». Сойиб Хўжаев хотирасига бағишланган кўрик-танлови.
22.20 Теннис. «Буюк Ипак йўли» Халқаро турнири.
22.50 — 23.20 «Ҳафтанома».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
10.00 «Омад» тақвими.
10.05 «Кўнгил».
10.10 «Жозиба».
10.30 «Бир шингил ҳангома».
10.40 «Муҳаббатга ошно қалблар».
11.00 Теле-ателье-шоу.
11.10 Видео янгиликлари.
11.35 Янгиликлар.
11.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.25 «Кинонигоҳ».
14.05 — 14.25 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

***

17.00 «Совға».
17.30 «4/8». Мусиқий дастур.
17.50 Жаҳон географияси.
18.40 Эълонлар.
18.45 Видео — «О».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Курьер».
20.50 «...яна об-ҳаво ҳақида».
21.00 «Постфактум».
21.10 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
21.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари.
21.50 «Панорама».
22.20 «Компьютер-Осиё».
22.50 «Автоклуб».
23.10 Эълонлар.
23.15 «Даракчи».
23.25 Эълонлар.
23.30 — 01.10 Видео — «О».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
9.00 Аэробика.
9.15 «Жонли сайёра».
9.35 Мультфильм.
10.15 «Коллекция».
10.35 «Кинематограф».
12.15 — 12.25 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).

***

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
19.05 «Хорижнинг биринчи элчилари».
19.45 «Би-Би-Си» янгиликлари.
19.55 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.55 «Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси».
21.30 «Бу ажиб дунё».
21.50 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.
22.00 — 23.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» — «Нефтчи».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 «Юзма-юз».
18.25 «Тилла шлягер».
19.10 «КВН-95». Мавсумнинг учинчи ўйини.
21.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви.
21.45 — 22.40 «Рэкет». Телесериал. 4-серия.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир: **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: *хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48* *Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.*

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0195. 17198 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.30. 1 2 3 4 5 6